

Fred Hutchinson Cancer Center
University of Washington

Илмий тадқиқотда иштирок этиш учун қисқа розилик шакли

Протокол рақами: _____

Етакчи тадқиқотчи исми: _____

Агар сиз болага ушбу тадқиқотда розилик берувчи қонуний ваколатли вакил, ота-она/васий сифатида хизмат қилаётган бўлсангиз, “сиз”, “сизни”, “сизга” ва “сизнинг” атамалари сиз томонингиздан розилик берилаётган шахсни англатади.

Сиздан илмий тадқиқотда иштирок этиш сўралмоқда. Бу тадқиқотда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳақида шошилмай қарор чиқаришингиз керак. Қарорингизни хоҳлаган одамингиз билан муҳокама қилишингиз мумкин.

Қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳақида қарор чиқаришингиздан олдин қуйидагиларни тушунтирамиз:

1. Тадқиқотда қатнашиш ёки қатнашмасликка қарор қилишингиз сабаблари ҳақида асосий маълумот;
2. Нима учун тадқиқот олиб борилмоқда, нималар содир бўлади ва тадқиқот қанча давом этади;
3. Қайси процедуралар тажрибавий;
4. Тадқиқотга қўшилишнинг олдиндан кўрса бўладиган хавфлари, ноқулайлик ва фойдалари;
5. Тадқиқотда қатнашиш учун ҳар қандай эҳтимолий фойдали муқобиллар; ва
6. Шахсий маълумотларингиз дахлсизлиги ва махфийлигингиз қандай ҳимояланиши.

Тегишли ҳолларда қуйидагиларни ҳам тушунтирамиз:

1. Тадқиқотда шикастлансангиз, мавжуд компенсация ёки тиббий муолажа вариантлари;
2. Биз ҳали билмайдиган хавфлар эҳтимоли;
3. Сиз нима учун тадқиқотдан четлатилишингиз мумкинлиги;
4. Тадқиқотда иштирок этиш учун ҳар қандай харажатлар;
5. Тадқиқотни тарк этишига қарор қилсангиз, нима бўлиши;
6. Қачон тадқиқотга оид янги натижалар ҳақида билиб олишингиз;
7. Тадқиқот учун неча киши режалаштирилгани;
8. Сиздан олинган маълумотлар ва бионамуналар (қон ва тўқима сингари) тадқиқотда ва келгуси изланишларда қандай ишлатилиши ва сизнинг бионамуналарингиздан фойдаланиб ишлаб чиқилган маҳсулотлардан даромад олиш ёки олмаслигингиз;
9. Бионамуналарингизда тўлиқ геном кетма-кетлиги аниқланадими;
10. Сиз ва соғлигингиз борасидаги тадқиқот натижалари сизга улашилиши ёки улашилмаслиги; ва
11. Сиздан қатнашиш сўралиши мумкин бўлган ихтиёрий тадқиқотлар.

Бундан ташқари, агар тадқиқот clinicaltrials.gov сайтига жойланадиган бўлса, сизга қуйидагиларни тушунтирамиз:

Ушбу клиник текширув таърифни АҚШ қонунчилигида талаб қилинганидек <http://www.ClinicalTrials.gov> сайтидан олиш мумкин бўлади. Бу веб-сайт сизни аниқлаш мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олмайди. Кўпи билан бу веб-сайт натижалар хулосасини ўз ичига олади. Сиз исталган вақтда ушбу веб-сайтда қидирувни амалга оширишингиз мумкин.

Ҳуқуқларингиз

Ушбу тадқиқотга қўшилишга мажбур эмассиз. Сиз ҳа ёки йўқ дейиш эркинлигига эгасиз. Агар сиз ушбу тадқиқотга қўшилсангиз, унда қолишга мажбур эмассиз. Сиз истаган вақтда тўхтатишингиз мумкин (ҳатто бошлашдан олдин ҳам). Йўқ деганлик ёки тўхтатганлик учун жарима солинмайди. Мунтазам тиббий ёрдамнингиз ўзгармайди.

Агар бу тадқиқот давомида касал бўлиб қолсангиз ёки шикастлансангиз, бу шаклни имзолаш орқали тўлов сўрашга бўлган қонуний ҳуқуқларингизни йўқотмайсиз.

Агар қўшилишга розилик берсангиз, сизга бу шаклнинг нусхаси ва бу тадқиқот учун инглиз тилидаги розилик шаклининг нусхаси берилади.

Батафсил маълумот учун

Бу тадқиқот ёки тадқиқотга алоқадор шикастланиш ҳақида саволларингиз бўлса, қуйидаги контакт маълумотлари орқали исталган вақтда етакчи тадқиқотчига мурожаат қилишингиз мумкин: _____.

Агар тадқиқот субъекти сифатида ҳуқуқларингиз тўғрисида саволларингиз бўлса, Fred Hutchinson Cancer Center идорасидаги Institutional Review Office директориغا 206.667.5900 телефон рақами ёки irodirector@fredhutch.org эмаил манзили орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Имзо

Бу шаклни имзоласангиз, бу сизга тадқиқотни тасвирлаб берганимиз ва иштирок этишга ихтиёрий тарзда розилик берганингизни англатади.

Иштирокчининг босма шаклдаги исми ва имзоси
Ёки, тегишли ҳолларда, қонуний ваколатли вакил

Сана

Тегишли ҳолларда, қонуний ваколатли вакилнинг иштирокчига алоқаси

Оғзаки таржимон/гувоҳнинг босма шаклдаги исми
ва имзоси

Сана